



АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙНИНГ ТАФСИРДАГИ УСЛУБИ

Усмонов Искандар Фозилжонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада Абу Мансур Мотуридийнинг Қуръони каримни тафсир қилишдаги услуги ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Қуръон, оят, ҳадис, суннат, тафсир, калом илми, мутакаллим, сабаби нузул.

Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилотул Қуръон” Қуръони карим тафсири борасидаги асари ҳар томонлама мукамал, илмий ва фасоҳат жиҳатидан кучли услубга эга бўлган асардир. Ушбу тафсирни ўқиш давомида Мотуридий услубидаги баъзи умумий йўлларнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Мотуридий ўзи учун хос, бошқалардан ажралиб турадиган услубни танлаб олган. Бу услуб кенгқамровлилик ва оятларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга доир бўлиб, айнан шу жиҳати билан ажралиб туради. Мотуридий ўзи ёритиб беришни хоҳлаган оятлар маъносини аниқ ва енгил ҳолда тақдим қилади ҳамда оддий китобхон уни тушуниши учун имкон яратади. Ушбу ўринда айтиб ўтиш лозимки, унинг яна бир китоби, яъни “Китобут тавҳид” асари аксинча, оммага мўлжалланган бўлмай тилининг бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Шу сабабдан бўлса керак, Мотуридий барчага мўлжалланган ақидавий масалалар енгил ва тушунарли тарзда баён этилган асарни яъни “Таъвилотул Қуръон”ни яратишга қарор қилган.

Кўплаб тадқиқотчилар эътироф қилгани каби, бу асарни ўқиган киши уни тўртинчи ҳижрий асрда ёзилган эмас, балки ҳозирда ёзилган замонавий тафсир деб ўйлайди¹.

Мотуридий тафсиридаги ўзига хос фарқли жиҳатлари quyidagilardan iborat:

Биринчидан, бундан олдинги тафсирлар, асосан ривоятларга суяниб таълиф қилингани билан фарқланиб турар, уларнинг ҳаммаси “Тафсир бил маъсур” номи билан танилган эди. Аммо Мотуридий икки услуб, яъни, “ат-Тафсир бил маъсур” ва “ат-Тафсир бир раъй”ни бирлаштира олди².

¹Мотуридий. Таъвилот...2005. Ж.1. – Б.330.

²Қаранг: Обидов Р. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. –Т.:Мовароуннаҳр, 2003. – Б.75.



Иккинчидан, Мотуридийдан аввалги даврда тафсирлар ривоят қилинганда суннатга таянган бўлиб, уларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари ёки саҳобаларнинг сўзлари, хаттоки муфассир тобийларнинг фикрлари ҳам мавжуд эди. Муфассир бунда ушбу хабарни айтган ровийгача тўлиқ санадни келтирар эди. Бунга Ибн Жарир ат-Табарий ва Ибн Касир тафсирларини мисол келтиришимиз мумкин. Мотуридий бундан фарқли тарзда “Таъвилотул Қуръон” китобида ривоятларни баён қилаётганда санадларни тўлиқ келтирмайди. Ҳадис бўлсин ёки бошқаларнинг сўзи бўлсин, санадни келтиришни шарт деб билмайди. Баъзида, у тафсир мобайнида ривоятни келтирган ровийларнинг ҳам номини зикр қилмасдан тўғридан-тўғри “айтилишича” ва “дейиладики” каби сўзлар билан чекланади. Замонавий муфассирлар ижодида юқорида келтирилган ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Мотуридий эса улардан бир неча аср олдин бу ишни қилган шахс эди. Мотуридий аслида ҳадис илми билан шуғулланган кишиларнинг аниқлаган йўллари ила нақл этилган ривоятларини олган. Шунга кўра, у тўқилган, ҳадис илмида эътиборга олинмайдиган турдаги ҳадисларни ишлатмаган.

Учинчидан, Мотуридийнинг тафсири кенг қамровли ҳисобланади. Бошқа тафсирларда кўпинча бир мавзуга хослаш кучли бўлади. Асарда бундан олдинги тафсирларга ўхшамаган ҳолда, фикҳий, эътиқодий масалалар ва оятларнинг мазмуни баён этилган. Асарда луғат илми ҳақидаги масалалар ҳам келтириб ўтилган.

Мотуридий оятни зикр этиб шарҳлашни бошлар экан, “бу оятнинг таъвили бундай”, “бу борада шундай сўзлар айтилган” каби жумлаларни ишлатиб, охирида “яна Аллоҳ билувчирок” деб яқунлайди. Муфассир баъзи ўринларда оят ҳақидаги фикрларини келтириб ўтар экан, “баъзилар шундай дейдилар”, “айтилишича” ва “фалончиниг келтиришича” каби сўзлардан фойдаланади. У бу услубдан ақл билан эмас, балки нақл билан тафсир қилишда фойдаланади. Ушбу нақлларни келтиргандан сўнг Мотуридий уларни таҳлил қилишга ўтади, танқид қилади, улардан ушбу оятга маъноси энг мувофиқ келганини танлаб олади.

2. Аллома баъзан оят маъносини тафсир қилар экан, унинг эҳтимолий томонларини эслатиб ўтиб “... эҳтимоли мавжуд” ва “... бир неча жиҳатлари бўлиши мумкин” каби иборалардан фойдаланади, бу эса тафсирнинг раъй ва ижтиҳод билан бўлганлигини кўрсатади³.

³Мотуридий. Таъвилот...2005. Ж.1. – Б.330



3. Мотуридийнинг услубидаги хусусиятларидан, унинг тафсир жараёнида эътиқодий ва фикхий масалаларни ажратиб кўрсатганидир. Бу борада келган турли хил қарашларни чуқур тадқиқ қилган. Гоҳида ушбу оят мазмунига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларни ҳам келтириб ўтади, яъни у оят маъносидан олинадиган тушунчаларни қиёслаш орқали оятни шарҳлашга ҳаракат қилади.

4. Мотуридий оят тафсирини гоҳида қироат турларини келтиришдан бошлайди. Масалан, (وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ) “(Эй, Муҳаммад!) Кофир бўлганларни ...деб ўйламанг⁴” ояти қироати борасидаги ихтилофни баён қилиб қуйидагича изоҳ беради: “Бу оятни баъзилар بَاء “йа” билан бошқалар ЭСА تَاء “та” билан қироат қилган. Агар تَاء “та” билан ўқилса, мухотаб сифатида Расулуллоҳ (с.а.в.)га хитоб қилган бўлади, يَاء “йа” билан ўқилса, ғойиб сифатида кофирларга хитоб қилган бўлади”.

5. Мотуридий тафсирда сабаби нузул (оятларнинг нозил бўлиш сабаби)дан ҳам истефода қилган. Бир оятга баъзан бир неча ривоятларни, баъзан фақатгина бир оятни келтириш билан чекланади. Муфассир баъзи ўринларда оятнинг нозил бўлиш сабабини баён қилганда унинг оятдан кўзланган мақсаднинг маъносига хилофлигини кўrsa, бу маънога ўзининг рози эмас эканлигини таъкидлаб ўтади.

6. Муфассир тафсир қилиш давомида баъзи сўзларнинг луғавий маъноларни баён қилган. Баъзи ўринларда эса оятни таъвил қилишда нодир маъноли шеърларни келтириб ўтади. Асосан у Қуръони карим, ҳадиси шариф, саҳоба, тобийй ва уламоларнинг сўзлари билан кифояланган.

7. Мотуридий ҳадисдан фойдаланганда санадини келтирмасдан, балки ҳадисни маъносини бериш билан кифояланган. Шунингдек, ҳадисни тўлиқ ёзмасдан кўзланган маънони англатувчи қисмини ажратиб олган⁵.

8. Баъзан Мотуридий маккий, маданий сура ва оятлар ҳақидаги ҳадислар, шунингдек, суралар фазилатига доир ривоят, носих ва мансухни баён қилишга чуқур киришмаган. Маълумки, суралар фазилатига оид ривоятларнинг аксарияти тўқилган ҳадислар эканлиги муҳаддислар томонидан эътироф этилган. Умуман, бу масалада Мотуридий ривоятларнинг ишончлигига шубҳа содир бўлгани учун ушбу мавзулардаги ҳадисларни ҳар доим ҳам қўлламаган.

9. Муфассир ҳар бир сурани таъвил қилишни бошлаганида кириш қисми қилмайди, балки тўғридан-тўғри оятнинг маъноларига ўтиб кетади.

⁴Нур сураси 57– оят.

⁵ Мотуридий. Таъвилот...2005. Ж.1. – Б.331



Абу Мансур Мотуридий китобини ўқир эканмиз, ундаги оятларнинг тафсир қилиниши борасида қуйидаги умумий йўналишнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

а) У суранинг номини айтгач “Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:(оят) ёки (бунда икки ёки уч маънонингнинг бўлиш эҳтимоли бор)” дейди, барча жиҳатларини очиб беради ва мунозара қилади. Саҳобий ва тобиийлар, ишончли муфассирларнинг сўзларини келтиради, кейин оятнинг биринчи жиҳатини бошқа оят, ҳадис ёки саҳиҳ хабар билан қўллаб қувватлайди. Саҳиҳлигини мустаҳкамловчи бўлган фикрини “бизнингча аслида ёки бизнинг наздимизда...” каби сўзлар билан исбот қилади⁶.

б) Агар бирор киши ояти карималарни Аҳли суннанинг фикрига тескари тарзда тафсир қилган бўлса, у муфассирнинг номларини очик ошкор айтади, масалан, Абу Бакр ал–Асам, Жаъфар ибн Ҳарб кабилар, ёки мўътазила, карромия, ботиния, хорижия каби фирқаларнинг номларини очик келтиради ва уларга тескари фикрни ҳам келтиради. Кейин уларга қарши аҳли сунна тўғри деб топган ва унинг ақидасини изоҳлайдиган ақлий ва нақлий далилларни келтиради.

в) Оятдаги ҳикмат – олимнинг асосий мезони бўлган. Ўз рақибига ким бўлишидан қатъий назар, фикри ҳақиқатга мувофиқ бўлса уни унга уқтиради.

г) Агар оят фикҳий масала борасида бўлса, унда Абу Мансур имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит фикрларини қувватлаб, бошқа фақиҳларга раддия беради⁷.

д) Кўпинча оятни тафсирига бир неча бор қайтади, янги фикрлар беради ва олдин баён этган фикрига янада кўпроқ шарҳ ва исбот келтиради⁸.

е) Гоҳида оятни ёки айрим оятларни четлаб ўтади, негаки бу оят таъвилчиларнинг ихтилоф ўрни эмас.

ж) Баъзан оятларнинг турли қироатлари, яъни, ўқилиш услубларини, ҳатто, энг кам учраган ўқилиш қоидаларини ҳам айтиб ўтади, бу билан Аҳли сунна таъвилининг тўғрилигини қувватлайди.

з) Агар оят луғавий шарҳга муҳтож бўлса, Мотуридий унда ўзи афзал деб билган қарашни айтиб ўтади.

⁶Мотуридий. Таъвилот...2004. Ж.1. – Б.15–16.

⁷Ўша манба. – Б.15– 16.

⁸Ўша манба. – Б. 16.



и) Кўпинча ўз сўзини “ат–Тавҳид” китобидаги каби, иборалар билан яқунлайди, масалан, “Валлоҳул–ҳадий” (Аллоҳ ҳидоятга йўлловчи) ёки “биллаҳит–тавфиқ” (тавфиқ Аллоҳдан) сўзлари каби.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири.– Т.: ТИУ, 2007. – 618 б.
2. Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. / Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида./ – Байрут: Муассасат ар-Рисала Наширун, 2004. –5 жилдли.
3. Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна./ Маждий Басаллум. / –Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. – 10 жилдли.
4. Ақоид матнлари. / Нащрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абулазиз Мансур./ – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. 56 (80) б.
5. Доктор Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий. Ат-тафсир вал муфассирун. Қоҳира: Дарул ҳадис, 2005. – 3 жилдли.
6. Муҳаммад Абдул Азийм аз-Зарқоний. Манаҳилул ирфон фи улумил Қуръон. Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2003. 536 б.
7. Жалолиддин Суютий. Ал-итқон фи улумил Қуръон./Аҳмад ибн Али/ – Қоҳира: Дарул ҳадис, 2006. 542 б.
8. Моний ибн Ҳаммод ал-Жаҳний. Ал-мавсуатил муяссара фил адйан вал мазаҳиб вал аҳзаб ал-муасира. Қоҳира: Дарун надва. 2003. – 2 жилдли.
9. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.
10. Алимов У. IX – XI асрларда Самарандда калом илмининг ривожи.– Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Мовароуннаҳр, 2008. – 192 б.
11. Абу Са`ид Гардизи. Зайн ал-ахбар/ Перевод с персидского языка А.К.Арендс. Т.:ФАН, 1991. 176 б.
12. Обидов Р. Қуръон, Тафсир ва муфассирлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 220 б.
13. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 448 б.